

Навбатда турганда навбатсиз ўтиб кетадиганлар ҳукми

10:09 / 22.01.2019 5157

Ассалому алайкум! Узтозлар, навбатда турганимизда яъни банкда, метан заправкада ва хоказо жойларда навбатни бузиб кирадиган одамлар бўлади. Улар гуноҳкор бўладими? Динимизда хадис борми?

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Навбат ўша навбатда турганнинг ҳаққи ҳисобланади. уни риоясини қилмаслик худди молдан бўлган ҳаққини ўғирлаган, тортиб олган билан тенма-тенг [гуноҳкор](#) бўлади. Бундай қилиш кўринишда арзимасга ўхшайди аслида эса улкан гуноҳлар сирасига киради. [Исломда банданинг](#) ҳаққига зарар етказадиган гуноҳлар қаттиқ қораланади. Ёлғиз Яратганнинг ҳаққи бўлса, ўша маълум бир гуноҳни [Аллоҳнинг](#) ўзи кечириб юбориши мумкин. Бироқ бандаларга, жамиятга зарар етказилса, ўша зарар кўрган банда ва жамият кечирмагунча, Аллоҳ ҳам кечирмайди.

Биринчидан бу инсон қалбига кибр олиб киради навбатдаагиларни менсимаган ҳисобланади. Бу эса [шариат](#) имизда улкан гуноҳи [кабира](#)дир.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرُّ هَلَلَا ذُبَعُ نَعُ

هُيَلَعُ هَلَلَا يَصِيَّبُ نَلَلَا نَعُ

نَمَّ هُنَجُّ لُحْدِي آلَ لَاقَ مَلَسَو

نَمِ ۞ رَدُّ لِقَاتِهِمْ وَبَلَقَ يَفَنَّاكَ
 بِحُيِّ لُجَّ رَلَا نَا ۞ لُجَّ رَلَا قِ ۞ رُبِّكَ
 هُلَّغَنَوَ أَنَسَحَ ۞ هُبُوثَ نُوْكَ يَنَّا
 بِحُيِّ لُيْمَجَ هَلَلَا نَا ۞ لِقَا قِ ۞ أَنَسَحَ
 طَمَعًا وَوَقَّحَلَا ۞ رَطَبَ رُبِّكَ لَلَا ۞ لَامَجَلَا
 مَلْسُ مِ أُمُّ هَاوَرِ ۞ سَانَلَا
 يِ ذِمُّ رَّتَلَاوِ

Абдуллоҳ [розияллоҳу анҳудан](#) ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қалбида зарра оғирлигида кибри бор киши [жаннат](#)га кирмайди», дедилар».

«Киши кийими гўзал бўлишини, пойабзали гўзал бўлишини ёқтиради-ку?» деди бир одам.

«Албатта, Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни севади. Кибр ҳақни инкор қилиш ва одамларни ҳақир санашдир», дедилар».

Иккисини Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

هَلْ لَّا يَلَّصُّ بِبَنِي النَّعْ هُنَّ عَو
 لُخْدِي آلَ لَأَقَمَّ لَسَو هِي لَع
 عَبَّحُ لَأَقْتِمِ وَبَلَقَ يَفُ دَحَ أَرَانِ لَأ
 نَجَّ لَأ لُخْدِي آلَ وَ يَنَامِي أُنْمِ لَدْرَخ
 لَدْرَخِ عَبَّحُ لَأَقْتِمِ وَبَلَقَ يَفُ دَحَ أ
 ءَايَرُبِكُ نَم

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қалбида бир дона ачитқи уруғи оғирлигида [иймони](#) бор одам [дўзах](#)га кирмайди. Қалбида бир дона ачитқи уруғи оғирлигида кибри бор одам жаннатга кирмайди», дедилар».

Иккинчидан, шариат биринчи келганга биринчи бўлиш ҳаққини беради. У эса ўша ҳаққни поймол қилган бўлади. Инсоннинг ҳаққини поймол қилиш шариатимизда [ҳаром](#) қилингандир. Бировнинг ҳаққини ейиш гуноҳ. [Ҳадис](#)ларда айтилганидек, ҳар бир инсоннинг ҳаққи Аллоҳ томонидан берилган. Бировнинг ҳаққига хиёнат қилган одам Аллоҳ таоло томонидан берилган ҳаққа хиёнат қилган бўлади.

Учинчидан, ўша навбатда турганларнинг қалбига озор берган бўлади. Аллоҳ таоло “**Аҳзоб**” сурасида марҳамат қилади:

نَيِّنْمُؤْمِلَانِ وَذُوِي نَيِّدَّلَاو
اُوْبَسَاتْ كَا اَم رِي غَبَاتَانْمُؤْمِلَاو
اَمْثِإِو اَنَاتْهُبِ اُولَمَتْ حَادَقَف
اَنِي بُم؟

58. [Мўмин](#) ва [мўмин](#)ларга, улар бирор нарса қилмасалар ҳам озор берадиганлар, батаҳқиқ, ўз устиларига очиқ бўҳтон ва гуноҳни олибдилар.

Ҳеч бир айбсиз мўмин эркак ва мўмина аёлга озор берганлар катта гуноҳ қилган бўладилар. Мўмин инсон Аллоҳ таолонинг ҳузурида энг қадрли инсондир. Аллоҳ таоло бошқа [оятлар](#)да Ўзи мўминларнинг [валий](#)си эканини таъкидлаб, айтиб қўйгандир. Кимки мўмин инсонга озор берса, очиқ-ойдин бўҳтон қилган бўлади ва шунга яраша жазосини олади. [Валлоҳу аълам!](#)